

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ТИЛШУНОСЛИГИДА ҚЎШМА ГАПЛАР ТАВСИФИ, ТАСНИФИ ВА МЕТАТИЛИ МАСАЛАЛАРИ

Д.Убайдуллаева

Фарғона давлат университети Инглиз тили кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7178362>

Аннотация. Мазкур мақолада синтаксис ва қўшма гаплар назарияси устида иш олиб борган олим ва тадқиқотчиларнинг фикрлари ҳамда ўзбек тилишунослигида ҳам ўхшаш ва фарқли жиҳатларини ўрганган олим-у олималарнинг ишлари баён этилган.

Калит сўзлар: гап, содда гап ва қўшма гаплар семантикаси, боғланган, боғловчисиз ва эргашиган қўшма гаплар, таксема.

ПРОБЛЕМЫ ОПИСАНИЯ, КЛАССИФИКАЦИИ И МЕТАТАЛОГИИ СЛОЖНЫХ ПРЕДЛОЖЕНИЙ В СОВРЕМЕННОЙ ЛИНГВИСТИКЕ

Аннотация. В данной статье описываются взгляды ученых и исследователей, работающих над теорией синтаксиса и союзов, а также работы ученых, изучающих сходства и различия в узбекской лингвистике.

Ключевые слова: предложение, семантика простых и сложных, сложные конструкции с сочинительной и бессоюзной связью, связь между событиями, таксема.

PROBLEMS OF DESCRIPTION, CLASSIFICATION AND METATALOLOGY OF COMPLEX SENTENCES IN MODERN LINGUISTICS

Abstract. This article is said about the views of scientists and researchers working on the theory of syntax and complex sentences, as well as the work of linguists who have studied similarities and differences in Uzbek linguistics.

Keywords: sentence, semantics of simple and complex sentences, related compound and complex sentences, connection between events, taxeme .

КИРИШ

Тил инсонлар орасидаги алоқа воситаси бўлиб, у ёрдамида кишилар ўз фикрини, мақсад, ҳис-ҳаяжонларини ифодалайдилар, мулоқот ва муносабатга киришадилар. Фикр турлича ифодаланади: содда ёки қўшма гаплар, мураккаб қўшма гаплар орқали, дарак, сўроқ, буйруқ, ундов гаплар воситаси билан икки ёки бир составли гаплар ёрдамида, тўлиқ ёхуд тўлиқсиз гаплар орқали ифодалиниши мумкин.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Гап ҳақида фикр юритар эканмиз, аввало унинг таърифига тўхташимиз жоиздир. Гап назарияси турли тадқиқотчилар томонидан кенг ўрганилган бўлиб, унга олимлар турли томондан ёндашган ва унга қуйидагича изоҳ берилган:

“Гап- маълум фикрни ифодалаб, нутқнинг бир қисмини ташкил қилади. Тил, нутқ орқали кишилар ўз фикрларини, мақсад ва ҳис-ҳаяжонларини ифодалайдилар.”

“Гап- нисбий фикр тугаллиги ва предикативликнинг мавжуд бўлиши ҳамда у грамматик жиҳатдан маълум қонун ва қоидалар асосида шаклланиши, ўзига хос оҳангга эга бўлиши шарт”

“Маълум мақсад, фикр ифодаланган, предикатив муносабати мавжуд бўлган қурилмалар (конструкциялар), ҳатто айрим сўзлар ҳам гап саналади (масалан. бир составли атов гаплар).”

“Гап- оҳанг ва предикацияга эга, бир ёки ундан ортиқ синтактик усул билан боғланган сўзлардан ташкил топган, энг кичик коммуникатив бирлиқдир.”

“Гап тил қоидаларига бўйсинувчи, фикрни ифодаловчи энг муҳим восита сифатида хизмат қилувчи нутқ бирлиғидир ва у фақатгина алоқа эмас, балки гапирувчининг бирон - бир нарсага мунасабатини ифодаловчи восита ҳамдир.”

“Гап - коммуникатив мақсадга кўра фарқланиб, маълум бир синтактик қурилма асосида сўзлардан ташкил топган нутқнинг бевосита бирлиғидир.”

“Гап- эга ва кесимдан ташкил топган тил бирлиғидир.”

“Гап- бир ёки бир нечта сўздан ташкил топган, биринчи даражали предикативлик хусусиятига ва оҳанг бутунлиғига эга бўлган ҳамда нисбий тугал фикр аңглатадиган тилнинг мулоқот бирлиғи.”

“Гап- аниқ бир синтактик қолипга туширилган сўзлардан ташкил топган нутқий бирлиқнинг ажралмас қисми ва гапнинг грамматик қурилишининг асосий белгиси унинг тугал оҳангга эга эканлиғидир.”

“Таксема (гап) бир ёки ундан ортиқ эга – кесимли таркибга эга бўлган синтактик бирлиқ бўлиб, у маълум воқеалиқни ўзида акс эттиради.”

Гапларнинг тузилиши, гапириш мақсади, гап бўлақларининг мавжудлиғига кўра турлари бўлиб, улар гаплар тузилишига кўра: содда ва қўшма гапларга бўлинади.

Боғловчи ва боғловчи вазифасидаги воситалар ёрдами билан тузилиб, бир бутунлиқни ташкил этган, мазмунан маълум бир мураккаб фикрни ифодаловчи гаплар бирикмасига қўшма гап дейилади.

Гап ҳосил бўлишини тадқиқ этувчи таълимотни икки бўлимга ажратиш мумкин: а) гап, содда гап (унинг бирлиқлари ва б.) ва б) қўшма гап ҳақида таълимотлар. Қўшма гап ҳақидаги таълимот ва бу масалада олимлар томонидан олиб борилган турли тадқиқотар узоқ ва қизиқарли тарихга эга (туркология, хусусан, ўзбек тилшунослиғида қўшма гап тадқиқи масаласига тадқиқотчилар турли томондан турлича ёндашишгани ҳақида қуйида маълумот берилади).

1940 йилда тарихда биринчи марта сиртки педбилим юрти ўқувчилари учун синтаксисдан дарслиқ яратилди. У ҳам бўлса, Айюб Ғуломовнинг «Ўзбек тили грамматикаси» (ИИ қисм, Синтаксис) китобидир. Бу китоб фақат синтаксисга бағишланган бўлиб, унда содда ва қўшма гаплар тўлиқсиз ва ўрта мактаблар учун яратилган дарслиқлардагига нисбатан анча кенг ёритилади. Ишда қўшма гап даставвал иккига бўлиб ўрганилади: а) боғланган қўшма гаплар; б) эргашган қўшма гаплар.

Боғланган қўшма гаплар ўз ичида яна иккига бўлинади:

- 1) ёрдамчили боғланган қўшма гаплар;
- 2) ёрдамчисиз боғланган қўшма гаплар.

Асарда эргашган қўшма гапнинг равиш, пайт, сабаб, мақсад, шарт, тўсиқсизлик, эга, аниқловчи, тўлдирувчи, ўрин, натижа каби ўн бир тури ҳақида маълумот берилади. Шунингдек, бир неча эргаш гапли қўшма гаплар ҳақида ҳам қисқача фикр баён этилади.

Дарслиқнинг ўзигача бўлган бошқа дарслиқлардан афзал томонлари кўп, лекин қўшма гапнинг назарий асосига баҳо бериш бир хил. Бу асарнинг тарихий аҳамияти, айниқса, қўшма гапни ўрганиш борасида, шундан иборатки, унда биз ҳозир ўрта ва олий мактабларда ўрганишга кўниккан ва бизнинг ишимизда «анъанавий синтаксис» деб номланган синтаксиснинг назарий таҳлил усуллари мукамал шаклланган.

А.Ғуломовнинг педбилим юрти ўқувчилари учун яратган дарслигидан бир неча йил кейин — 1948 йилда А.Н.Кононовнинг «Грамматика узбекского языка» номли иши майдонга келди. Бу иш ўзбек тили грамматикасига бағишланган, Овропа тилшунослиги мезонида тузилган нисбатан тўлиқ ва мукаммал грамматика бўлиб, олий ўқув юр்தларининг талабаларини тайёрлашга мўлжалланган илк дарслик эди.

А.Н.Кононовнинг бу китоби умумтуркологик таҳлил асосларига таянган ҳолда ёзилган эди. У Н.К.Дмитриевнинг «Строй турецкого языка» (М., 1929), «Грамматика башкирского языка» (М.-Л., 1949) асарлари билан бир қаторда ва айни бир назарий асосда А.Фитрат, Ҳ.Ғозиев асарлари орқали кириб кела бошлаган Овропа тилшунослиги синтактик тушунчалари ва таҳлил усуллари негизида туркий тиллар синтаксиси таҳлиliga бағишланган мукаммал асар эди. Мақсадимиз қўшма гап талқини бўлганлиги сабабли бу асарнинг фақат шу қисмига батафсилроқ тўхташни лозим топдик.

А.Н.Кононов китобида, қисқа бўлса ҳам, қўшма гапга алоҳида ўрин беради. У А.Ғуломов каби қўшма гапни дастлаб иккига бўлиб ўрганади: а) сложносочиненное предложение; б) сложноподчиненное предложение. А.Ғуломов фақат боғланган қўшма гапни боғловчили ва боғловчисиз деб иккига бўлиб ўрганса, АН.Кононов эргаш гапли қўшма гапларни ҳам худди шундай иккига бўлиб ўрганади ва эргаш гапларнинг бир қанча турларини қайд этади. Шунини айтиш керакки, эргаш гапнинг баъзи бир турларига баҳо беришда А.Н.Кононов А.Ғуломов сингари эргаш гапли қўшма гапларга хос бўлган мазмун ва интонацион бутунликка риоя қилмайди, фақат субъектга таянади.

1955 йилдан кейин Ф.Камол содда ва қўшма гапларни фарқлашда, бир томондан, эганинг ифодаланиши материални ҳисобга олса, иккинчи томондан, эга ва кесимнинг дистант ҳолатини, учинчи томондан кесимларни ўзига мос келувчи эга билан таъминлаш мумкин — мумкин эмаслигини назарда тутати. Лекин бир умумий эгага эргашувчи кесимларнинг морфологик тузилишига аҳамият бермайди.

Чунки, олим қўшма гапни баҳолашда эга билан чекланиб қолмасдан диққатни кесим ва унинг тузилишига ҳам қаратилиши лозимлигини қўтариб чикди. Ф.Камолнинг бу фикри ривожлантирилмади ва ўзбек тилшунослигида қўшма гап таълими эга марказида давом эттирилди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Ўзбек тили синтаксисини ўрганиш тараққиётида эга йўналиши бош йўналиш бўлди. Шу асосда устозларимиз Ғ.Абдурахмонов, М.Асқароваларнинг ишларида қўшма гап ҳақидаги мукаммал таълимот ишлаб чиқилди.

Қўшма гап масаласи ўзбек тилшунослигида биринчи марта илмий асосда Ғ.Абдурахмонов томонидан чуқур ўрганилди. Қўшма ва содда гапларнинг ўзаро муносабати, фарқлари, қўшма гапнинг турлари, ҳар бир турнинг умумий, хусусий жиҳатлари атрофлича таҳлил қилинади.

Ғ.Абдурахмонов эргаш гапли қўшма гапни мазмунан дастлаб 13 турга бўлиб ўрганади: аниқловчи, тўлдирувчи, эга, кесим, пайт, ўрин, сабаб, шарт, мақсад, тўсиқсиз, натижа, равиш, қиёслаш эргаш гапли қўшма гаплар. Қиёслаш эргаш гапли қўшма гаплар эса ўз ичида учга бўлиб таҳлил қилинади: чоғиштириш, ўхшатиш, миқдор-даража эргаш гапли қўшма гаплар. Шундай қилиб, эргаш гапли қўшма гапнинг 15 тури кўрсатилади.

М.Л.Асқарова ишларида қўшма гапнинг ўрганилиши давом эттирилди. Тадқиқотчи қўшма гапларни боғланган, эргашган, боғловчисиз каби турларга ажратади. У эргашган

қўшма гапларнинг турларини белгилашда маълум аниқлик киритади. Олима Ғ.Абдурахмонов томонидан ажратилган эргаш гаплар турларидан фарқли ўларок ўхшатиш ва чоғиштириш эргаш гапларни ҳам муайян тур сифатида беради.

Ўзбек тилшунослигида эргаш гап турларини «эга бор ёки йўқ»лиги ва маъно омилларига таяниб ўрганиш 60-70 йилларда, умуман, қўшма гапларни ўрганишнинг манбаи бўлди. Бу соҳада Ғ.Абдурахмонов, М.Асқарова, А.Азизова, Э.Азларов, Ф.Убаева, Э.А.Грунина, А.Коклянова, С.Равшанова, Х.Рустамов, Н.Турниёзов ва бошқа қатор олимларнинг ишларини тилга олиб ўтиш зарур. Бу тадқиқотларда ўрганиш манбаи қилиб олинган қўшма гапларнинг ифодаланиш турлари ва воситалари, уларда эга ва кесимнинг ифодаланиш шакл ҳамда воситалари, тобе гапнинг бош гапга боғланиш қонуниятлари энг нозик хусусиятларигача баён ва тавсиф этилди. АБердиалиев 80- йилларга келиб, қўшма гап синтаксисига янги йўналиш — систем йўналиш тақлили усулларини изчил равишда тадбиқ э-гишга уринди. АБердиалиев қўшма гап синтаксиси соқасига систем тилшуносликнинг ўхшашлик (парадигматика), синтактик зидаиятлар (синтактик оппозиция) каби тушунчаларни олиб кйрди.

МУҲОКАМА

Қўшма гап хусусида гап борар экан, ватанимизнинг синтаксис бўйича олимлардан бири ҳисобланган филология фанлар доктори, профессор Ғ.М.Ҳошимовнинг тилшуносликнинг долзарб масалаларига бағишланган, “Турли тизимли тилларда қўшма гап типологияси.” деб номланган илмий тадқиқоти муҳим аҳамиятга эга. Унда биз қўшма гапларнинг структурал – семантик таснифи, қўшма гапларнинг таркибини ташкил этувчи компонентларнинг лисоний табиати ва боғловчи воситаларнинг турларига бўлган ўзгача ёндашувни кўришимиз мумкин. Хусусан унинг тадқиқотида монотаксема ва политаксема ҳар қандай тилда универсал эканлиги таъкидланади. Таксема “таксис” (синтактик сўзидаги таксис асосида) атамасининг “эмик”, “этик” кўриниши бўлиб, Ғ.М.Ҳошимов томонидан улар атама сифатида берилди.

Олим қўшма гапларни қуйидаги турларга бўлиб чиқади: политаксема ўз навбатида коллотаксема (соллотаксема), паратаксема (паратаксема), гипотаксема (ҳйпотаксема), гипертаксема (ҳйпертаксема), супертаксема (супертаксема), ултротаксема (ултратаксема), архитаксема (арчитаксема), синкротаксема (сйнсротаксема) ларга бўлинади.

ХУЛОСА

Қўшма гапларнинг тадқиқи устида кўплаб олим-у олималар, профессорлар изланишлар олиб борган ва олиб боряпти. Кўриниб турибдики, қўшма гапларни ҳар томонлама тадқиқ этиш ниҳоятда долзарб масала ҳисобланади.

REFERENCES

1. Асқарова М.А. Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар – Т., 1960.
2. Абдурахмонов. Ғ.А “Ўзбек тили грамматикаси (синтаксис)” Т.”Ўқитувчи”,1996.-76
3. Абдурахмонов. Ғ.А “Қўшма гап синтаксиси асослари” Т,1958.-11 б
4. Бархударов Л.С. Структура простого предложения современного английского языка. М., Высшая школа, 1966.-141с
5. Ирискулов М.Т. “Тилшуносликка кириш”.Т.”Ўқитувчи”,1992.-130б
6. Ильиш Б.А. Строй современного английского языка. / Учеб.пос. для студ. пед. ин-тов. -2-е изд. Л.: Просвещение, 1971.

7. Ирискулов М, Кулдашев А. “Тхеоретисал граммар оф тхе Энглиш граммар”. Т.2008.
8. Сайфуллаева Р. Ҳозирги ўзбек тилида кўшма гапларнинг субстантсионал (зотий) талқини. — Тошкент. “Фан”, 2007.—
9. Хошимов Г.М. Типология сложных предложенияи разносистемных языков. – Т.:Фан, 1991.
10. Ubaydullaeva, D., & Yuldasheva, Z. (2020). POLYSEMY IN THE UZBEK LANGUAGE. In *АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ* (pp. 234-235).
11. Туйчиев, А. И. (2022). ТЕХНОЛОГИЯ РАЗВИТИЯ ДИСЦИПЛИНАРНЫХ НАВЫКОВ УЧАЩИХСЯ НА ОСНОВЕ ИГРОВЫХ СРЕДСТВ: уйчиев Ашурали Ибрагимович, Преподаватель Ферганского государственного университета. *Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал*, (2), 160-162.
12. Tuychiyev, A. I. (2022). О ‘QUVCHILARDA INTIZOMIY KO ‘NIKMALARNI RIVOJLANTIRISH DOLZARB PEDAGOGIK MUAMMO SIFATIDA. *Academic research in educational sciences*, 3(2), 896-901.
13. Uzakova, L., & Usmonova, D. (2021). Comparative Study of Uzbek and English Speech Etiquette. *Pindus Journal of Culture, Literature, and ELT*, 1(12), 60-63.
14. Uzakova, L. (2021). О ‘ZBEK VA INGLIZ NUTQIY ETIKETLARINING QIYOSIY TADQIQI. *Scientific progress*, 1(3), 213-216.
15. Toxirjonovna, O. M. (2021, October). SOZ TURKUMLARINI TASNIFLASHDA INTERFAOL METODLARDAN UNUMLI FOYDALANISH JARAYONIDA KOMPETENSIYAVIY USULLARNING QOLLANISHI. In " *ONLINE-CONFERENCES* " *PLATFORM* (pp. 219-224).
16. Khakimov, M. K. (2021). VISUAL POETIC TEXTS AS MULTISEMIOTIC SYSTEM. *Theoretical & Applied Science*, (8), 185-188.
17. Yusupova, S. (2022). ИЖТИМОЙ ГУРУҲЛАРДА ҲУРМАТ КАТЕГОРИЯСИ ИФОДАЛАШ. *Science and innovation*, 1(B5), 350-352.
18. Sultonova, M. (2022). Implementing initiatives of women’s empowerment in Higher Education of Uzbekistan: challenges and successes. *Periodica Journal of Modern Philosophy, Social Sciences and Humanities*, 8, 4-7.
19. Ravshanovna, G. N. (2022). TOLERANCE IN PRIMARY SCHOOL STUDENTS PEDAGOGICAL MODEL OF SKILLS DEVELOPMENT. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(2), 95-96.
20. Ravshanovna, G. N. (2022, April). THE STUDY OF THE MEANING OF THE WORD TOLERANCE IN OTHER LANGUAGES. In *INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CONFERENCE* (Vol. 1, No. 3, pp. 8-9).